

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

МИРЗАЕВА ДИЛНОЗА ФАРХАДОВНА

**БОЛАЛАРДАГИ ГЕМОБЛАСТОЗЛАРНИНГ НЕВРОЛОГИК
АСОРАТЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ПАТОГЕНЕТИК
МЕХАНИЗМЛАРИ ВА ТАШХИСОТИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract the doctoral (DSc)

Мирзаева Дилноза Фархадовна Болалардаги гемобластозларнинг неврологик асоратлар ривожланишининг патогенетик механизмлари ва таъхисоти.....	3
Мирзаева Дилноза Фархадовна Диагностика и патогенетические механизмы неврологических осложнений у детей с гемобластозами	31
Mirzaeva Dilnoza Farkhadovna Diagnostics and pathogenetic mechanisms of development of neurological complications in children with hemoblastoses.....	63
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	70

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

МИРЗАЕВА ДИЛНОЗА ФАРХАДОВНА

**БОЛАЛАРДАГИ ГЕМОБЛАСТОЗЛАРНИНГ НЕВРОЛОГИК
АСОРАТЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ПАТОГЕНЕТИК
МЕХАНИЗМЛАРИ ВА ТАШХИСОТИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.2. DSc/Tib854 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази тайёрланди.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.medsport.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Шамансуров Шаанвар Шамуратович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Рахимбаева Гульнора Саттаровна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Зыков Валерий Петрович
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси)

Исхаков Элдор Жасурович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Самарканд давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz)

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44)

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Н.А.Аликулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Гемобластозлар болалар ёшидаги онкологик касалликлар орасида кенг тарқалган бўлиб ёш авлоднинг эрта ногиронлиги ва ўлим кўрсаткичларини ўсишига сабаб бўлмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, 2017 йилда Бирлашган миллатлар ташкилотининг Ассамблеясида болалардаги онкологик касалликлар «саратон профилактикаси ва интеграциялашган ёндашув контекстида унга қарши курашиш»¹ резолюцияси қабул қилинган. Ҳозирги кунда Бирлашган қон саратони ва Америка саратон жамияти маълумотларига кўра, ўткир лейкоз болалар ва ўсмирлар орасида энг кўп учрайдиган саратон тури бўлиб, ҳамма саратон касалликлари ичида 33% ни ташкил қилади ва 31% 0-14 ёшгача бўлган болаларда ўлим сабабчиси хисобланади. Ўткир лейкози бўлган болаларда неврологик асоратларни ривожланишини патогенетик механизмларини, эрта диагностикасини ва қиёсий ташхисотига ёндашувларни такомиллаштириш долзарб муаммолардан бири бўлиб хисобланади.

Жаҳон миқёсида ўткир лейкозли болаларда касаллик сабаб ёки химиотерапия асорати туфайли ривожланган неврологик асоратларнинг этиологияси, патогенези, диагностикаси ва клиник манзарасини ўрганишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада ўткир лейкозларда неврологик асоратларни эрта аниқлаш, уларни қиёсий ташхислаш, неврологик асоратлар ривожланишининг патогенетик механизмларини, патоморфологик ўзгаришларни ва нейротоксик асоратларни цитогенетик, молекуляр-генетик таҳлиллар асосида ташхислашга замонавий ёндашиш ҳамда беморларда ривожланиши мумкин бўлган асоратларни эрта олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Ўткир лейкозларда неврологик асоратларни клиник, неврологик ва патогенетик жиҳатларини аниқлаш асосида эрта ташхислаш, қиёсий ташхислаш ва такомиллаштириш кабилар ўзига хос аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва кўламини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича соғлиқни сақлаш тизимида кенг қўламли ва мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...онкологик, гематологик, иммунологик ва орфан касалликларга чалинган болаларга малакали, ихтисослаштирилган, жумладан, юқори технологияли тиббий ёрдам ва тиббий реабилитацияни ташкил этиш ва такомиллаштириш...» каби вазифалар белгиланган². Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, ўткир лейкозли болаларда неврологик асоратлар шаклланишининг клиник-патогенетик жиҳатларини аниқлаш, эрта

¹ Assessing national capacity for the prevention and control of noncommunicable diseases: report of the 2019 global survey. Geneva: World Health Organization; 2020.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 майдаги ПП-183-сон «Онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларга чалинган болаларга тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори.

диагностикаси ва дифференциал диагностикаси эрта ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтириш доирасида самарали ташхислашни ташкил қилишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 30 августдаги ПҚ-3925-сон «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошинич тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 28 майдаги ПҚ-5130-сон «Аҳолига гематология ва онкология соҳасида ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Ўткир лейкозларда неврологик асоратларни эрта ташхислаш, патогенез механизмлари, кийсӣ ташхиси ва даволаш масалаларини муқобиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: St. Jude Children’s Research Hospital (АҚШ); Dana-Farber Cancer Institute (АҚШ); Medical College of Wisconsin (АҚШ); Blood Center of Wisconsin (АҚШ); University of Florida (АҚШ); Harvard Medical School (АҚШ); University of Vermont, Burlington (АҚШ), Charité University Hospital - Berlin (Германия), Institute of Child Health (Буюк Британия); Rigshospitalet (Германия); Дмитрий Рогачев номли Болалар гематологияси, онкологияси ва иммунологияси миллий тиббиёт тадқиқот марказида (Россия); Болалар онкологияси, гематологияси ва клиник иммунологияси илмий амалий марказида (Ўзбекистон); Болалар Миллий Марказида (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Болаларда ўткир лейкозлардаги неврологик асоратларни эрта ташхислаш, патогенетик механизмлари, клиник ва диагностик жиҳатлари бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар: Мехико Университети тиббиёт марказининг олимлари, далилларга асосланиб, ўткир лейкозли болаларда неврологик манифестация турлари, ёшга ва жинсга боғлиқлиги исботланган (Centro Médico Nacional, Мексика); ўткир лимфобласт лейкозли болаларни

³ Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: www.stjude.org; www.dana-farber.org; www.mcw.edu; www.ufl.edu; www.harvard.edu; www.uvm.edu; www.charite.de; www.ucl.ac.uk/child-health; www.rigshospitalet.dk; www.fnkc.ru; www.bmtm.uz; www.bgokim.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

даволаш жараёнида марказий асаб тизими билан боғлиқ ўткир симптомлар кўп учраган ва улар даволашнинг илк икки ойида намоён бўлган, ҳамда ташхис қўйилган вақтда марказий асаб тизими зарарланган беморларда нейротоксик реакциялар кўп учраши исботланган (University of Helsinki, Финляндия); ўткир лейкозли беморларда 2 хил протокол бўйича даволаганда нейротоксик эффекти статистик бир хил даражада кузатилган, бу эса кимёвий дориларни юқори нейротоксик даражасини исботлаган (Santobono-Pausilipon Hospital, Италия); лейкознинг турли шакллари билан касалланган болаларда энг кўп учрайдиган асорат деб интракраниал қон қуйилишлар ва касалликнинг қайталаниши, менингит/менингоэнцефалитлар, марказий асаб тизимининг бирламчи шикастланиши, церебрал атрофиялар ва нейропатиялар аниқланган (King George Medical University, Хиндистон); яна бир тадқиқот эрта интенсивлаштиришнинг самарадорлиги исботланган, бунда неврологик асоратлар ривожланиш даражаси камайганлиги ва беморларда нурланишни четлаб ўтиш эҳтимоли исботланган (St. Jude Children's Research Hospital, АҚШ); узоқ муддатли L-аспарагиназа терапиясининг қўшилиши Т-ЎЛЛ билан оғриган беморларда касаллик оқибатини яхшиланишига олиб келиши исботланган (Charité University Hospital, Германия); ўткир лейкозли беморларда нейролейкозни профилактика қилишда метотресатни юқори дозада интратекал қўллашни исботланган (Institute of Child Health, Буюк Британия); ўткир лейкозли болаларда ЎМЛ ва ЎЛЛ турларида даволашни оптималлаштириш, янги протоколларни қўллаш, нейролейкоз ҳолатларини олдини олиш ва трансплантацияни мукамаллаштириш бўйича натижалар исботланган (НМИЦ ДГОИ им. Дмитрия Рогачева, Россия); ўткир лейкозли болаларда даволашни оптималлаштириш ёрдамида ўлим ҳолатларини камайтириш, инфекцион асоратларни олдини олиш ва инвалидизация даражасини камайтириши аниқланган (Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида ўткир лейкозларда неврологик асоратларни диагностикаси, дифференциал диагностика ва патогенетик механизмларини илмий асослаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: ўткир лейкоз билан оғриган болалар ва ўсмирларда асаб тизими касалликлари шаклланишининг патогенетик механизмларини аниқлаш, эрта ташхислаш ва қиёсий ташхислашни такомиллаштиришни илмий асослаш бўйича қатор, жумладан: эрта диагностика схемаларини ишлаб чиқиш ва мия асоратларини адекват қиёсий ташхислаш усулларини танлаш бўйича устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилиши шулар жумласидандир.

Муаммонининг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда ўткир лейкозли болаларда неврологик асоратлар ва оқибатлар ҳамда ўлим ҳолати ва ногиронликнинг юқорилиги онкогематология амалиётида долзарб тадқиқот йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўткир лейкозли беморларда неврологик асоратларни ривожланиши касаллик кечишини оғирлашувига ва ўлим ҳолатларига олиб келиши неврологик асоратларни эрта аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Замонавий башорат усуллари кўп омилли маълумотларга асосланади: клиник-лаборатор характеристикалар (ёш, жинс, ўсма иммунофенотипи, цитогенетика, молекуляр-генетика), неврологик асоратларнинг локализацияси, инструментал таҳлиллар (МРТ, ЭНМГ). Ушбу

маълумотлар комплекс таҳлили неврологик асоратларни клиник динамикасини башорат қилишда муҳим ўрин тутди (Steliarova-Foucher E, Colombet M, Ries LAG, et al. 2017). 5 йиллик омон қолиш даражаси 80% дан ортиқ ва МНТ рецидивларини камайтиришга эришган дунёнинг етакчи илмий марказларининг тадқиқотлари неврологик асоратлар диагностикаси ва патогенезини илмий излашга бағишланган. Бундай натижаларга замонавий полихимиотерапия (ПХТ) дастурларини жорий этиш орқали эришилган (Румянцев А.Г., 2015; Карачунский А.И., Румянцева Ю.В., 2021). Неврологик асоратлари бўлган болалар ўрганилганда ва энг кўп учрайдиган аломатлар марказий асаб тизимидаги махсус инфльтрация, тутқаноқлар, бирламчи бош оғриғи ва нейропатиялар деб исботланган. Шунингдек, неврологик манифестацияли беморларда ўлим даражаси юқори бўлган (Круз-Чавез, Д.А.; Лопес-Перез, БЖ, 2022). Болалик давридаги ўткир лимфобласт лейкоз ҳолатларида гипердиплоидиянинг паст учраш частотасини (5%) ва BCR–ABL ген бирикувининг юқори частотасини (20%) аниқланган. BCR–ABL ген бирикувидан ташқари, бошқа ҳеч қайси ген ёмон прогноз билан боғлиқ эмаслиги исботланган. Диагноз қўйиш вақтида генетик ўзгаришларни аниқлаш ЎЛЛ ни тўғри тушуниш ва самарали даволаш учун жуда муҳим экани исботланган (Aakash Pandita, Rekha Narish va b. 2015).

Ўткир лимфобласт лейкозли беморларда химер BCR/ABL p190 онкогени текширилган ва бу генни сақлаган беморларда даволаш протоколига Гливек препарати қўшилганида 8 баровар холларда клиник ва гематологик ремиссияга чиқиши кузатилганлиги аниқланган (Хўжахмедов Ж.Д., 2019). Ўткир лимфобласт лейкозли беморларда стандарт кимёвий терапия протоколларида юқори булган хавф гуруҳда эрта рецидивларни стандарт хавф гуруҳидаги беморларга нисбатан 2 баровар кўп учраши исботланган (Каримов Х.Я., 2018). Краниал нурланишдан фойдаланмасдан, даволашда 3 та цитостатик дори билан қўшимча люмбал пункциядан фойдаланганда ЎЛЛ-МБ-2008 протоколини олган беморларда нейролейкемиянинг самарали профилактикаси исботланган (Иброҳимова С.З., 2022).

Жаҳонда ўткир лейкозли болаларда неврологик асоратларни эрта ташхислаш, патогенезини ўрганиш, клиник-неврологик кўринишларини қиёсий ташхислаш, неврологик асоратлар зўрайишини олдини олишга қаратилган қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: ўткир лейкозли беморларда неврологик асоратлар ривожланишининг клиник ҳолати, кечуви, қиёсий ташхисоти, химиоиндуцирланган периферик нейропатиялар хусусиятлари, патоморфологик текширувлар, цитогенетик ва молекуляр-генетик каби омилларни таҳлил қилган ҳолда, уларни эрта ташхислашни баҳолаш; неврологик асоратларни патогенетик механизмларини ўрганган ҳолда ва асосида алгоритмларни ишлаб чиқиш шулар жумласидандир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассаси илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Гемобластозларда неврологик асоратларни ташхислаш» илмий йўналиш доирасида бажарилган (2023-2026 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади ўткир лейкозли болаларда неврологик асоратларнинг ривожланишини клиник-неврологик ва патогенетик механизмларини аниқлаш ёрдамида эрта ва қиёсий ташхислаш масалалари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

асосий касаллик томонидан ва химиопрепаратларнинг токсик таъсири оқибатида юзага келган неврологик асоратларнинг семиотикаси ва клиник синдромларини таққослаб баҳолаш ҳамда уларнинг ўткир лейкозли болаларда учраш частотасини аниқлаш;

ўткир лимфобласт лейкоз (ЎЛЛ) билан касалланган ва химиотерапия олаётган болаларда кимёвий таъсир билан боғлиқ периферик полинейропатияларни (ХИПН) аниқлаш ва уларнинг оғирлик даражасини баҳолаш мақсадида модификация қилинган педиатрик тотал нейропатия шкаласи (ped-mTNS) таҳлилинини ўтказиш;

нейролейкемия ривожланиш хавфини бошланғич параметрлар ва цитогенетик профилга боғлиқ ҳолда баҳолаш;

ўткир лейкозли болаларда бошланғич ва иккиламчи неврологик асоратлар ҳолатида магнит-резонанс томографияси (МРТ) натижаларини таҳлил қилиш ва уларнинг ўзаро корреляциясини ўрганиш;

полихимиотерапиягача ва ундан сўнг ўтказилган патоморфологик (гистологик) тадқиқотлар асосида ўткир лейкозли болаларнинг бош миясидаги ўзгаришларни аниқлаш ва уларни фарқлаш (дифференциация) орқали таҳлил қилиш;

клиник-неврологик, нейрорадиологик, цитогенетик, генетик ва патоморфологик маълумотлар ўртасидаги боғланишни таҳлил қилиш асосида болаларда ўткир лейкоз вақтидаги неврологик асоратларни эрта аниқлаш учун мезонларни таклиф қилиш ҳамда неврологик асоратли болаларда дифференциал ташхис тадбирларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1 ёшдан 18 ёшгача бўлган, «Ўткир лейкоз» ташхиси тасдиқланган стационар даволаш учун Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт марказига мурожаат қилган 238 та бемор болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида болалик даври ўткир лейкозли болаларда неврологик асоратларнинг шаклланишининг диагностикаси ва патогенетик механизмларини аниқлашда - болаларнинг периферик ва веноз қони, суяк илиги намуналари, шунингдек нейрофизиологик, нейрорадиологик ва патоморфологик тадқиқотлар намунаси ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари: анамнестик, клиник ва неврологик, нейрофизиологик, цитогенетик, бош миянинг магнит-резонанс томографияси патоморфологик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор, полихимиотерапия оқибатида келиб чиқадиган асоратлар (химиоиндуцирланган полинейропатия, миопатик синдром, метотрексат лейкоэнцефалопатия, химик менингизм) аниқланиб, специфик инфильтрация сабабли периферик нервларни ўчоқли зарарланиши билан намоён бўлиши аниқланган;

илк бор, ўткир лейкозли болаларда марказий нерв тизими рецидивларини эрта ва комбинирланган шакллари устун келганлиги сабабли, ўткир

миелобласт лейкоз ва Т-иммунофенотипли ўткир лимфобласт лейкозлар билан транслокацияси, молекуляр-генетик анализи билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги аниқланган;

илк бор, полихимиотерапия олмаган болаларнинг бош миёсида ўчоқли инфилтрация, миё қон томирларида микротромбозлар, полихимиотерапия олган болаларда бош миёнинг оқ моддасида диффуз симметрик дистрофик ўзгаришлар, бош миёнинг пўстлоқ ости тугунлари ва гиппокампи зарарланиши аниқланган;

илк бор, 10 ёшдан катта болаларда t (9;22) транслокацияси, BCR/ABL онкогени ва бошланғич гиперлейкоцитоз мавжуд бўлган ҳолларда, бош миёнинг чуқур тузилмаларига таъсир қилувчи нейрорлейкоз ҳолатлари корреляцияси учраши ва бу ҳолатлар салбий прогноз ва юқори ўлим кўрсаткичлари билан боғлиқ эканлиги исботланган;

ўткир лейкозли болаларда неврологик асоратларни патогенетик механизмларига биноан эрта ташхислаш ва прогнозлашга ёндашув лейкозни тури, иммунофенотиби, транслокацияси, молекуляр-генетик анализи, минимал қолдиқ касаллик (MRD) асосида мезонлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Стандарт тадқиқот усуллари билан бир қаторда, ўткир лейкоз билан оғриган болаларда ХИПНни клиник олди ташхислаш учун диагностик чоратадбирлар мажмуасига тотал нейропатиянинг модификацияланган педиатрик шкаласини (red m-TNS) киритиш таклиф этилган;

полихимиотерапия олаётган болаларда нейротоксик реакцияларнинг асимптоматик кечишини истисно қилиш учун ўткир лейкоз билан оғриган болаларда терапиянинг ҳар бир босқичидан олдин бош миёнинг МРТ текширувини ўтказиш мақсадга мувофиқлиги таклиф қилинган;

ўткир лейкоз билан касалланган болаларда неврологик асоратларни эрта ташхислаш, қиёсий ташхислаш мезонлари такомиллаштирилган бўлиб, бу асосида махсус жараённи ҳам, полихимиотерапия оқибатларини ҳам қамраб олган алгоритм ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги беморларда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-неврологик, нейровизуализацион, нейрофизиологик, патоморфологик ва статистик усуллар асосида неврологик асоратлар ривожланган ўткир лейкоз билан касалланган болаларда асаб тизими зарарланишининг клиникаси ва дифференциал ташхисотининг ўзига хос хусусиятларни баҳолашда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ўтказилган тахлиллар неврологик асоратлар ривожланган ўткир лейкозли болаларда асаб тизими зарарланиши эрта ташхисоти ва қиёсий ташхисотига самарадор ёндашувлар ишлаб чиқишга имкон берган ва олинган маълумотлар болаларда ўткир лейкозларда нерв тизими зарарланиши эрта ташхисоти ва қиёсий ташхисотини яхшилашга олиб келганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий ахамияти неврологик асоратлар ривожланган ўткир лейкозли болаларда неврологик бузилишлар эрта аниқлаш учун ишлаб чиқилган алгоритм ҳамда неврологик асоратлар бирламчи ёки иккиламчилигини, марказий ва периферик асаб тизими зарарланиши қиёсий-ташхисот жадвали ушбу муаммоларга замонавий ёндашувларни ишлаб чиқишда хизмат қилади, бу эса ўз навбатида уларнинг ҳаёт сифати ва ижтимоий мослашувининг яхшиланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўткир гемобластозли болаларда неврологик асоратларни ташхислаш ва патогенез механизмлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: илк бор, полихимиотерапия оқибатида келиб чиқадиган асоратлар (химиоиндуцирланган полинейропатия, миопатик синдром, метотрексат лейкоэнцефалопатия, химик менингизм) аниқланиб, специфик инфилтрация сабабли периферик нервларни ўчоқли зарарланиши билан намоён бўлиши аниқланган бўйича таклифлар ТХКМРМ Олимлар кенгаши томонидан 26.03.2025 йилдаги 49-сон билан тасдиқланган “Дифференциальная диагностика неврологических осложнений у детей при острых лейкозах” ва “Педиатрическая модифицированная тотальная шкала нейропатий (ped-m TNS) для оценки химиоиндуцированной периферической нейропатии у детей при острых лейкозах” номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Наманган вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази 2025 йил 9 май санасидаги 75-сонли ҳамда Бухоро вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази 2025 йил 10 май 127-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 7 июлдаги 21/33 хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ўткир лейкоз ва кимётерапия сабабли болаларда келиб чиқган неврологик асоратларни эрта аниқлаш ва дифференциал ташхис жадвали қўлланилиши марказий ва периферик нерв тизими зарарланишини аниқлаш имконини беради, ўз вақтида даволашни амалга оширишга ёрдам беради ва комплекс тиббий-ижтимоий реабилитация самарадорлигини сезиларли даражада оширади ҳамда беморнинг ногиронликка чалинишини олдини олади. Иқтисодий самарадорлиги: ўткир лейкозли болаларда неврологик асоратларни эрта аниқлаш, уларни тўғри баҳолаш ҳар бир ҳолати учун 1 нафар бемор ҳисобига 4 551 700 сўм иқтисод қилинди. *Хулоса:* ўткир лейкозли болаларда неврологик асоратларни эрта аниқлаш, уларни қиёсий ташхислаш учун ишлатиладиган дифференциал диагностика мезонлари самарали ва илмий асосланган тавсия сифатида хизмат қилади.

иккинчи илмий янгилик: илк бор, ўткир лейкозли болаларда марказий нерв тизими рецидивларини эрта ва комбинирланган шакллари устун келганлиги сабабли, ўткир миелобласт лейкоз ва Т-иммунофенотипли ўткир лимфобласт лейкозлар билан транслокацияси, молекуляр-генетик анализи билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги аниқланган бўйича таклифлар ТХКМРМ Олимлар кенгаши томонидан 26.03.2025 йилдаги 49-сон билан тасдиқланган “Дифференциальная диагностика неврологических осложнений у детей при острых лейкозах” ва “Педиатрическая модифицированная тотальная шкала нейропатий (ped-m TNS) для оценки химиоиндуцированной периферической нейропатии у детей при острых лейкозах” номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур

таклиф Наманган вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази ва 2025 йил 9 май санасидаги 75-сонли ҳамда Бухоро вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази 2025 йил 10 май 127-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 7 июлдаги 21/33 хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ушбу шкала ёрдамида ўткир лейкоз билан оғриган болаларда эрта кимёвий-индутсирланган периферик полинейропатияларни аниқлаш мумкин бўлади, бу эса ўз навбатида ногиронликнинг олдини олади ва гемобластоз билан оғриган болаларнинг меҳнат қобилияти ва ижтимоийлашувини сақлаб қолади. Бундан ташқари, ўткир лейкоз билан оғриган болаларда асаб тизимининг шикастланиш даражаси ва чуқурлигини аниқлаш орқали ушбу ўзгаришларнинг олдини олиш ва даволашни етарли даражада амалга ошириш мумкин. Иқтисодий самарадорлиги: I гуруҳ ногиронлиги бўлган беморларга давлатимиз томонидан 1027 000 сўм, II гуруҳ ногиронлиги бўлган беморларга эса 920 000 сўм тўланади. Агар асаб тизими шикастланишларини эрта аниқлаш алгоритми ёрдамида шифокор доминант неврологик танқисликни аниқласа ва шунга мувофиқ адекват мақсадли терапия (кимёвий дори воситаларини бекор қилиш ёки дозасини камайтириш, мотор танқислигида нейропротектив терапия - реабилитолог билан ишлаш курси ва бошқалар) тайинланса, бу ўткир лейкозларда асаб тизимининг шикастланишини эрта аниқлаш билан боғлиқ иқтисодий йўқотишларни 2 баравар камайтиради. Хулоса: педиатрик модификацияланган тотал нейропатия шкаласини қўллаш химиоиндуцирланган периферик нейропатияси бўлган беморларда асоратларни вақтида аниқлашга ва улрга эрта ёрдам бериш имконини бериб, клиник амалиётда қўллаш учун тавсия этилади.

учинчи илмий янгилик: илк бор, полихимиотерапия олмаган болаларнинг бош миёсида ўчоқли инфильтрация, миё қон томирларида микротромбозлар, полихимиотерапия олган болаларда бош миёнинг оқ моддасида диффуз симметрик дистрофик ўзгаришлар, бош миёнинг пўстлоқ ости тугунлари ва гиппокампи зарарланиши аниқланган бўйича таклифлар ТХКМРМ Олимлар кенгаши томонидан 26.03.2025 йилдаги 49-сон билан тасдиқланган “Дифференциальная диагностика неврологических осложнений у детей при острых лейкозах” ва “Педиатрическая модифицированная тотальная шкала нейропатий (ped-m TNS) для оценки химиоиндуцированной периферической нейропатии у детей при острых лейкозах” номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Наманган вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази ва 2025 йил 9 май санасидаги 75-сонли ҳамда Бухоро вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази 2025 йил 10 май 127-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 7 июлдаги 21/33 хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ўткир лейкозлар ва ПХТ туфайли болаларда неврологик асоратларни эрта ташхислаш ва дифференциал-диагностик жадвалини қўллаш марказий ва периферик асаб тизимининг шикастланишига ўз вақтида шубҳа қилиш, комплекс тиббий-ижтимоий реабилитация самарадорлигини сезиларли даражада оширган ҳолда ўз вақтида даволаш ва шу билан бирга беморнинг ногиронлигини олдини олиш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: неврологик асоратларни олдини олиш ва уларни эрта аниқлашнинг ҳар бир

ҳолати учун 1 нафар бемор ҳисобига 6 993 570 сумгача тежашга имкон берди (1 бемор бўйича). Хулоса: ўткир лейкоз билан оғриган болаларни бош миясини текшириш, уларда ПХТ олмаган ҳам ҳолатларда бош мияда ўчоқли белгилар бўлиши ва бу ҳолатлар ҳар бир беморга эътибор билан ёндашиш кераклиги тавсия этилди.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор, 10 ёшдан катта болаларда t (9;22) транслокацияси, BCR/ABL онкогени ва бошланғич гиперлейкоцитоз мавжуд бўлган ҳолларда, бош миянинг чуқур тузилмаларига таъсир қилувчи нейролейкоз ҳолатлари корреляцияси учраши ва бу ҳолатлар салбий прогноз ва юқори ўлим ҳолатлари билан боғлиқ эканлиги исботланган бўйича таклифлар ТХКМРМ Олимлар кенгаши томонидан 26.03.2025 йилдаги 49-сон билан тасдиқланган “Дифференциальная диагностика неврологических осложнений у детей при острых лейкозах” ва “Педиатрическая модифицированная тотальная шкала нейропатий (ped-m TNS) для оценки химиоиндуцированной периферической нейропатии у детей при острых лейкозах” номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Наманган вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази ва 2025 йил 9 май санасидаги 75-сонли ҳамда Бухоро вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази 2025 йил 10 май 127-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 7 июлдаги 21/33 хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ўткир лейкозли беморларда неврологик асоратлар ва МНТ рецидивларини ташхислашда мойиллик қилувчи хавф омилларини баҳолаш, ўз вақтида тўғри ташхис қўйиш, неврологик асоратлар ва МНТ рецидивлари ривожланишини олдини олиш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: болаларда ўткир лейкозларда неврологик асоратларни аниқлаш учун дифференциал-диагностик мезонларни амалиётда қўллаш ишлаб чиқилган даволаш схемасининг таркибий қисми бўлиб, ҳар бир беморга 4 551 700 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. Хулоса: ўткир лейкозли беморларда МНТ рецидивларини эрта аниқлаш, уларни олдини олиш, қиёси й ташхислаш учун ишлаб чиқилган алгоритм клиник амалиётда қўллаш учун тавсия этилади.

бешинчи илмий янгилик: ўткир лейкозли болаларда неврологик асоратларни патогенетик механизмларига биноан эрта ташхислаш ва прогнозлашга ёндашув лейкозни тури, иммунофенотипи, транслокацияси, молекуляр-генетик анализи, минимал қолдиқ касаллик (MRD) асосида мезонлари такомиллаштирилган бўйича таклифлар ТХКМРМ Олимлар кенгаши томонидан 26.03.2025 йилдаги 49-сон билан тасдиқланган “Дифференциальная диагностика неврологических осложнений у детей при острых лейкозах” ва “Педиатрическая модифицированная тотальная шкала нейропатий (ped-m TNS) для оценки химиоиндуцированной периферической нейропатии у детей при острых лейкозах” номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Наманган вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази ва 2025 йил 9 май санасидаги 75-сонли ҳамда Бухоро вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази 2025 йил 10 май 127-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 7 июлдаги 21/33 хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ўткир лейкозли беморларда ўсмани транслокацияси, иммунофенотипи, молекуляр-генетик анализларги

асосланган холда неврологик асоратлар ва МНТ рецидивларини ташхислашда мойиллик қилувчи хавф омилларини баҳолаш, ўз вақтида тўғри ташхис қўйиш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: неврологик белгилар билан кечувчи ўткир лейкозларни эрта ташхислашнинг дифференциал-диагностик мезонлари ҳамда алгоритмининг амалиётга тадбиқ этилиши ётоқ кунлари ва қўшимча текширувлар сонини камайтириш ҳисобига 1 нафар бемор ҳисобига 2 654 000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. Хулоса: жадвал ва алгоритмни қўллаш орқали неврологик асоратларни эрта ташхислаш ва қиёсий ташхислаш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 2 654 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини апробация қилиш. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий конференцияда, шу жумладан, 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан 2 та методик тавсиянома ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 203 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг – **«Адабиётлар шарҳи. Ўткир лейкозли болаларда неврологик асоратлар муаммосига замонавий қараш»** – адабиётлар таҳлили келтирилган бўлиб, унда ўткир лейкозли болаларда кимёвий терапия фонидаги патогенез, диагностика ва эҳтимолий неврологик асоратлар тўғрисидаги замонавий қарашлар ўз аксини топган. Шунингдек, лаборатор ўзгаришлар ва ўткир лейкозли болаларда кузатилган неврологик асоратлар тўғрисида илмий жиҳатдан асосланган маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг – **«Хусусий клиник материалнинг умумий тавсифи ва асосий тадқиқот усуллари»** – номли иккинчи бобида клиник материалларининг умумий тавсифи, замонавий инструментал диагностика, нейровизуализация ва лаборатор текширув усуллари билан биргаликда баён

этилган. Ушбу ишнинг асосини 238 нафар ўткир лейкозли беморлар иштирокида олиб борилган проспектив тадқиқот ташкил қилади. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази (директори Пўлатова Ж.Ш.) базасида олиб борилган.

Ушбу тадқиқотга ўткир лейкозли болаларда неврологик асоратлар билан кечган ҳолатлар: касаллик бошида, кимётерапия олаётган жараёнида ва касаллик рецидиви даврида бўлган 238 нафар ўткир лейкозли болалар қамраб олинган. Улар 2022 йил ноябридан 2024 йил ноябр ойигача “Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси” кундузги ва стационар бўлимларида даволанишган.

238 нафар беморлар орасида: ўткир лимфобласт лейкоз (ЎЛЛ) – 200 нафар (84%); ўткир миелобласт лейкоз (ЎМЛ) – 29 нафар (12,2%); ўткир промиелоцитар лейкоз (ЎПЛ) – 9 нафар (3,8%) ни ташкил этган.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, ўткир лейкозни барча шаклларида болалар орасида ўғил болалар сони қизларга нисбатан устун бўлган, ва бу фарқ ишончли даражада ($p < 0,065$) кузатилган. Болалар онкогематологиясида дастурли кимётерапия беморларнинг ушбу ёш тоифасига қараб ўтказилишини ҳисобга олган ҳолда, биз ҳам касаллик билан боғлиқ ва кимёвий терапия сабаб келиб чиққан неврологик асоратларни, 10 ёшгача ва 10 ёшдан катта ёшга бўлиб ўрганишга қарор қилдик.

1-жадвал

Гуруҳларда текширилган болаларнинг демографик кўрсаткичлари

Лейкоз турлари	Жинс бўйича (%)		р-Value	Ёши		р-Value
	сони			<=10 ёшдан кичик (%)	>10 ёшдан катта (%)	
	Уғил болалар	Қиз болалар				
ЎЛЛ	124 (52,1 %)	76 (31,9 %)	0,065*	140 (82,9 %)	58 (24,6 %)	0,008*
ЎМЛ	24 (10,1 %)	5 (2,1 %)		13 (5,5 %)	16 (6,8 %)	
ЎПЛ	7 (2,9 %)	2 (0,8 %)		4 (1,7 %)	5 (2,1 %)	
Жами	155 (65,1 %)	83 (34,9 %)		157 (66,5 %)	79 (33,5 %)	

* – статистик аҳамиятли кўрсаткичларнинг фарқи ($p < 0,05$).

ЎМЛ ва ЎПЛ беморларни ёш тоифасини баҳолашда статистик жиҳатдан ишончли фарқ аниқланмади, аммо ЎЛЛ бўлган беморлар орасида 10 ёшгача бўлганлар 140 нафарни (82,9%) ташкил этди, 10 ёшдан катталар эса 58 нафар (24,6%) бўлиб, бу фарқ ишончли даражада аҳамиятли ($p < 0,008$) ҳисобланди. Барча таҳлил қилинган 238 нафар боладан 158 нафар (66,4%) 10 ёшгача, 80 нафар (33,6%) эса 10 ёшдан катта ёшдаги беморлар эди.

ЎЛЛ бўлган барча беморлар ЎЛЛ-МБ-2015 протоколи бўйича, ЎМЛ беморлари эса ОМЛ-БФМ (2004 ва 2019 йиллар) миллий протоколи бўйича, ЎПЛ беморлари эса АТРА-АТО-ИДА протоколи асосида даволанди.

Неврологик манифестациянинг келиб чиқиш сабабларига қараб барча беморлар 3 та гуруҳга ажратилди:

1. **Биринчи гуруҳ** – 51 нафар (21,4%) бемор – асосий касаллик (ўткир лейкоз) ёки рецидив вақтида кузатилган неврологик аломатлар билан. Неврологик симптомлар намоён бўлган вақтдаги ўртача ёш – 8 ± 11 (5; 13,5) ёш (Me – медиана, Q1; Q3 – кватиллар оралиғи).
2. **Иккинчи гуруҳ** – 151 нафар (63,4%) бемор – химиотерапия туфайли келиб чиққан (ўткир ёки ўткир ости нейротоксик реакциялар) неврологик аломатлар билан. Ўртача ёш – 7 ± 6 (3; 10) ни ташкил қилди.
3. **Учинчи гуруҳ** – 36 нафар (15,1%) бемор – неврологик симптомларсиз, фақат функционал бузилишлар билан. Ўртача ёш – 9 (4; 11,25) ни ташкил қилди.

Статистик таҳлил учун Microsoft Excel 2013 ва SPSS 19 (IBM, USA) дастурларидан фойдаланилди. Описательная ва вариацион статистика усуллари ишлатилди. Иккита мустақил гуруҳни солиштириш учун Вилкоксона–Манна–Уитнинг параметрсиз тестидан, уч гуруҳ учун эса Краскелл–Уоллис тестидан фойдаланилди. Сифат кўрсаткичларни солиштиришда Пирсоннинг χ^2 тестидан фойдаланилди, зарурат бўлса Йетс тузатмаси ҳисобга олинди. Агар кўп параметрлар бўйича таҳлил ўтказилса, тўрт поёнали тузилмаларда таҳлил бажарилди. Натижалар таҳлил қилинганда, $p < 0,05$ бўлган қийматлар статистик жиҳатдан аҳамиятли деб қабул қилинди. Бир неча жуфт гуруҳларни таққослашда Бонферрони тузатмаси қўлланилди.

Диссертациянинг III-бобида «**Текширилган беморларнинг клиник-неврологик характеристикаси. МНТ рецидивлари структурасида нейрорлейкемия тахлили**» бемор оналарининг анамнези, ҳомиладорлик ва туғруқ асоратлари, янги туғилган чақалоқларнинг туғилиш вақтидаги ҳолати ҳамда ўткир лейкозли болаларда неврологик асоратларнинг клиник-неврологик хусусиятлари таҳлил қилинган.

Ҳомиладорлик патологиялари (анемия, токсикоз, ОРВИ ва бошқалар) барча гуруҳларда кузатилган бўлса-да, статистик аҳамиятли фарқ аниқланмади ($\chi^2=1,50$; $p=0,471$). COVID-19 инфекцияси ҳомиладорлик давомида фақат 2-гуруҳ беморларининг оналарида 5 та ҳолатда (2,1%) қайд этилган, лекин бу ҳам статистик аҳамиятга эга эмаслиги тасдиқланган ($\chi^2=2,943$; $p=0,23$). Ҳомиладорликни тўхтатиш хавфи ҳам гуруҳлар орасида аҳамиятли фарқ кўрсатмади ($\chi^2=1,584$; $p = 0,453$). Ирсий анамнез ва яқин қариндошлик никоҳлари бўйича ҳам статистик аҳамиятга эга фарқ кузатилмади ($\chi^2=1,676$; $p = 0,849$). Қариндошлик никоҳлари 1 ва 3-гуруҳларда 1,3%, 2-гуруҳда 7,6% ни ташкил этган ($\chi^2=1,676$; $p = 0,432$).

Ҳаёт анамнези ва боғлиқ касалликлар энг кўп касал бўлувчи болалар сони 1-гуруҳда 39,2%, 2-гуруҳда 36,4% ва 3-гуруҳда 25% бўлиб, бу фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли ($\chi^2= 2,132$; $p = 0,033$).

Неврологик ҳолатни ўрганиш асаб тизими шикастланишини эрта аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу неврологик асоратлар ҳам лейкознинг ўзи, ҳамда полихимиотерапия оқибатида ривожланиши мумкин.

2-жадвалга кўра, 3-гурухдаги болаларда 83,35% ҳолатда бош мия жуфт нервлари (БМЖН) шикастланмагани кузатилган ($p < 0,001$), 2-гурухда бу кўрсаткич 61,6%, 1-гурухда эса 39,2% ни ташкил этган. Демак, 1-гурухдаги беморлар БМЖН шикастланишига нисбатан кўпроқ мойил бўлган ($p < 0,001$). Бу ўзгаришлар лейкемик бласт ҳужайраларнинг асаб тизимига инфилтрацияси ва/ёки касаллик рецидиви билан боғлиқ бўлиши мумкинлигидан далолат беради.

2-жадвал

Ўткир лейкозли болаларда бош мия нервларининг зарарланиши

Симптомлар	1 гуруҳ	2 гуруҳ	3 гуруҳ	Жами	χ^2	p value
Яқинлаштирувчи ғилайлик	2 (3,9 %)	5 (3,3 %)	0	7 (2,9 %)	1,335	0,513
Узоқлаштирувчи ғилайлик	2 (3,9 %)	0	0	2 (0,8 %)	7,395	0,025*
Диплопия	3 (5,9 %)	0	0	3 (1,3 %)	11,14	0,004*
Кўришни пасайиши/Амавроз анизокория	3 (5,9 %)	6 (4 %)	0	9 (3,8 %)	2,049	0,359
V-жуфт нервни зарар-ши	0	2 (1,3 %)	0	2 (0,8 %)	1,162	0,559
VII ва XII жуфт нервлар марказий парези	11 (21,6 %)	31 (20,5 %)	3 (8,3 %)	45 (18,9%)	3,12	0,21
VII-жуфт нервни периферик парези	8 (15,7 %)	2 (1,3 %)	0	10 (4,2 %)	21,396	<0,0001*
VIII-жуфт нервни зарар-ши	1 (2 %)	0	0	1 (0,4 %)	3,682	0,159
Псевдобулбар синдром	4 (7,8 %)	4 (2,6 %)	0	8 (3,4 %)	4,642	0,098
Булбар синдром	2 (3,9 %)	3 (2 %)	0	5 (2,1 %)	1,604	0,448
Ўзгаришсиз	20 (39,2 %)	93 (61,6 %)	30 (83,3 %)	143 (60,1 %)	17,517	<0,0001*

* – статистик аҳамиятли кўрсаткичларнинг фарқи ($p < 0,05$).

Кўз ҳаракатлари билан боғлиқ бузилишлар, жумладан ғилайлик, кўришнинг пасайиши/амавроз, диплопия 1-гурух болаларида статистик жиҳатдан ишончли равишда кўпроқ кузатилган ($\chi^2=11,14$, $p=0,004$), бу эса болалардаги ўткир лейкозларда мия краниал нервлари шикастланишининг ўзига хослигини кўрсатди.

V жуфт бош мия нервининг сезувчи қисмидаги шикастланиш 2-гурух беморларида қайд этилган бўлиб, бунга сабаб – винкристин қўлланилганидан кейин икки болада ўткир ривожланган полинейропатия бўлиб, у кучли оғриқлар ва юқори ҳамда пастки жағдаги парестезиялар билан намоён бўлган ҳамда аналгетикларга жавоб бермаган. VIII жуфт бош мия нервининг шикастланиши 1-гурух беморларидан бири (2%) да МНТ ни рецидиви фонидан кузатилган бўлиб, бу ҳам периферик нервнинг пери ва эндоневрал

